

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Навоий шаҳри

2023 йил 13 сентябрь

Кармана туманлараро иқтисодий суди, судья А.Хамидов даъвогар “XXXXXXXXXXXXXXXX” ДКнинг жавобгар XXXXXXXXXXXXXXXдан пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Даъвогар “XXXXXXXXXXXXXXXX” давлат корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар XXXXXXXXXXXXXXX (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўз шартномавий мажбуриятини ўз вақтида бажармаганлигини кўрсатиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 0000000000 сўм пеняни ундиришни сўраган.

Даъвогар томонидан жавобгарга даъво аризаси нусхаси юборилган бўлсада, жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, даъвога қарши эътирозларни тасдиқловчи далиллар ва ишга алоқадор бошқа ҳужжатлар судга тақдим қилинмади.

Суд, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, электрон кооперация порталида ўтказилган электрон савдо натижалари бўйича тарафлар ўртасида “маҳсулот етказиб бериш (ишлар бажариш) тўғрисида” xxxxxxxx куни xxxxxx-сонли шартнома тузилиб, ушбу шартномага мувофиқ жавобгар даъвогарга шартномада назарда тутилган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда етказиб бериш, жавобгар эса етказиб берилган товарларни қабул қилиш ва ҳақини шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатда тўлаш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.1.-2.2.-бандларига кўра, буюртмачи операторнинг ҳисоб-китоб-килиринг палатаси (кейинги



ўринларда ХККП)даги шахсий ҳисобварақасига шартнома суммасининг 100 фоизи миқдоридаги тўловларни шартнома тузилган кундан бошлаб ўн банк иш куни ичида амалга ошириш, маҳсулот етказиб берувчи эса шартномада назарда тутилган товарларни ХККПдан тўлов амалга оширилганлиги ҳақида хабарни олган кундан бошлаб 5 иш куни давомида етказиб бериш мажбуриятини олишган.

Бироқ, жавобгар томонидан шартноманинг мазкур талаби бузилиб, даъвогарга шартномада назарда тутилган товарлар шартномада назарда тутилган муддатга нисбатан кечиктириб етказиб берилган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.1-бандига кўра, агар тарафлар шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармасалар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига кўра, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Шу боис, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шартнома шартлари шартномада назарда тутилган муддатга нисбатан кечиктирилиб бажарилганлигини ўз даъво аризасида кўрсатиб, мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида жами 0000000000 сўм миқдорида пеня ҳисоблаб, уни ундиришни сўраган.

Бинобарин, даъвонинг жавобгардан пеня ундириш тўғрисидаги талаби амалдаги қонун ҳужжатлари ва шартномага кўра асослидир.

Бироқ, ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши белгиланган. Бундан ташқари, суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли қарорида тушунтириш берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблигини, жавобгар кичик



Ўбиркорлик субъекти эканлигини, товарлар кечиктириб бўлсада етказиб берилганлигини, жавобгар ҳамда кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, даъво талабининг пеня ундириш қисмини 200.000 сўм

